

УЗБЕКСКАЯ НАРОДНАЯ МУЗЫКА



ТОМ

БУХАРСКИЕ МАКОМЫ

Собрал и записал
ЮНУС РАДЖАБИ
Под редакцией
И. А. АКБАРОВА



*Государственное издательство
художественной литературы Узбекской ССР*
ТАШКЕНТ
1959

M¹₀₁₅

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУЗИКАСИ



ТОМ


БУХОРО МАҚОМЛАРИ

Тўпловчи ва нотага оловчи

ЮНУС РАЖАБИЙ

И. А. АКБАРОВ

таҳрири остида




Ўзбекистон ССР Давлат
Бадий Адабиёт Нашриёти

ТОШКЕНТ

1959

Обр.



Ўзбек халқ музыкаси бир овозли бўлиб, ўзининг тарихий тараққиётида жуда кўп хилма-хил формаларга эга бўлди. Ўзбек халқ куйлари ва оҳанглари мелодикасида, умумий тузулишида ҳамда усулларида музыка маданиятининг миллий характери бирлигини кўрсатувчи хусусиятлар мавжуд. Шу билан бирга халқ ижодидаги турли-туман жанрларнинг мустақиллиги баъзи жанрларда, жумладан профессионал музыка тажрибасининг натижаси ҳисобланувчи айрим жанрларда ўзига хос композицион йўлларни вужудга келтирди. ✓

Ўзбек музыкасида мақомларнинг вужудга келиши ажойиб воқеадир. Катта музыка асарлари ҳисобланувчи мақомлар ҳозирги Ўзбекистонда ва Тожикистонда жуда кўп асрлардан бери мавжудлиги маълумдир. «Мақом» терминининг келиб чиқиши лингвистик нуқтан назардан аниқ эмас. Масаланинг бу томони ушбу мақоланинг вазифасига кирмайди ҳам. Фақат шунини айтиш керакки, «Мақом» сўзи икки мазмунда ишлатилади. Ал Фаробий ва Ибн Синодан бошлаб бутун Урта Осиё музыка назариятчилари «Мақом» сўзини кўпроқ аниқ бир лад (парда) мазмунида ишлатганлар. Ҳозирги кунда мақом кўп асрлардан бери сақланиб келаётган ва ҳозир мавжуд бўлган фольклор музыка асарларини билдиради.¹ —

Мақомларнинг халқ музыкасининг бошқа жанрларидан фарқлайдиган характерли белгилари уларнинг катталиги ва кўп қисмлигидир. Ҳар бир мақом икки қисмга: чолғу йўли ва ашула-чолғу йўлига бўлинади. Бухорода «Мушқилот» деб аталувчи биринчи қисми асосий чолғу асбобларидан ҳисобланувчи танбур ва доирада² ҳамда турли чолғу асбоблари иштирокида ижро этилади. Иккинчи — «Наср» қисми чолғу ансамбли жўрлигида ашулачилар томонидан унисон овоз билан ижро этилади. «Наср» одатда икки группа куйлардан иборат бўлиб, ҳар бир группа Тожикистонда «шуъбе», Ўзбекистонда «бўлим» деб юритилади. Биринчи бўлимга «наسر»нинг асосий музыка материални ташкил этувчи куйлар кирди; иккинчи бўлимни эса ўзининг тузилишга кўра мақомларнинг айрим бўлақларига яқин турувчи катта формадаги халқ ашулалари ташкил этади. Ҳар бир мақом рақс (уфор) билан тамом бўлади. —

«Мушқилот» ва «Наср» ўз навбатида яна катта-катта бўлақларга бўлинади ва буларнинг ҳаммасининг ўз номи бор. Шу сабабли мақомлар соатлаб ижро этилади.

Мақомлар асрлар давомида оғзаки халқ музыкаси сифатида сақланиб келганлиги билан бирга, маълум ўзгаришларга ҳам учраган. Ҳозирги кунда бу ўзгаришларнинг аҳамияти ва характери тўғрисида фикр юритиш қийин, албатта. Урта Осиё халқларида яқин йилларгача нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли турли даврларда яратилган халқ ижодини аввалги «редакцияларига» солиштириб бўлмайди. Яқин йиллардаги музыка ёзувлари ва ҳозирги кунда турли ижрочилардан ёзиб олинган вариантларни солиштириб

¹ Мақомлар ҳақида умумий характеристика «Ўзбек халқ музыкаси» тўпламининг VI томида берилган. Мақомлар ҳақидаги тўла маълумотларни совет музыкашунослигида биринчи бўлиб проф. Беляев ўзининг турли асарларида берган.

² Ўзбек музыка асбоблари тўғрисида «Ўзбек халқ музыкаси»нинг III томида маълумот берилган.

кўриш билан музика текстлари ижро этиш вақтида маълум ўзгаришга учрашини кўриш мумкин. Чунки ҳар қандай ижрода ҳам, айниқса халқ фольклор музикасини ижро этишда ҳам ўзгариш бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай вариантларида ҳам асосий куй чизиғи ўзгармай қолишига эътибор қилиш лозим. Бу жиҳатдан ўзбек мақомларига айрим чет эл музикашуносларининг Шарқ музикаси ҳақидаги фикрлари тўғри келмаслигини ҳам айтиб ўтиш керак. Улар арабларнинг мақом формасига ўхшаб кетадиган эркин ижро этилувчи музика асарларини фақат оҳанг системаси деб биладилар. Бухоро мақомларини Хоразм мақомлари сингари ҳеч бир эркин, ҳар сафар ўзгартиб ижро этиш йўли билан яратилган деб бўлмайди. Аксинча, уларнинг оҳангдорлиги, усуллари ва шакл асосларининг мустақамлиги соф оҳангларнинг кўп даврлар мобайнида синчиқлаб танланганлиги натижасидир. Мақомларнинг турли вариантларида мелодиканинг ўзгармаслигини кўрсатиш мақсадида Ю. Ражабий ва В. А. Успенскийлар ёзиб олган «Бузрук» мақомидан парча келтирамиз.

Завись Ю. Ражабий

М.М. $\frac{3}{4} = 76$

Завись В. Успенского

М.М. $\frac{3}{4} = 72$
I. Хонга

Бозғўя

II. Хонга

III. Хонга

Бозғўя

Биринчи қарашда бу икки вариантнинг бир-биридан анча фарқ қилиши сезилади. Лекин яхшилаб қаралганда эса, Ю. Ражабий ёзиб олган мақомдан келтирилган парчанинг иккинчи ярми юқоридаги парчага жуда ҳам ўхшашлигини кўриш мумкин. Биринчи ярми уч—хорд попевка асосига тузилган, бу ҳол уни ҳар икки вариантнинг куйларига яқинлигини кўрсатиб туради. Шундай қилиб, мақомнинг асоси ўзгармай қолаверади — ижро этиш пайтидаги ўзгаришларни фақат айрим деталлардагина кўриш мумкин. Мана шу ҳолнинг ўзи ҳам мақом куйларининг мустақам, ўзгармас, мукамал эканлигида

далолат бериб туради. Бу асарларнинг тўқис-туғаллиги, шаклларнинг пишиқлиги уларни халқ музика ижодининг ажойиб намуналари эканлигини кўрсатади.

✚ Юқорида айтилгандек, мақомлар кўп асрлар давомида оҳанглари тавлаш асосида вужудга келган. Халқ музикасида мақомлар ўзига хос шароитларда вужудга келганлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Мақом куйларининг мураккаблиги ва жозибадорлиги профессионал музикачилар муҳитида яратилганлиги билан боғлиқдир. Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халқ музикаси усталари ҳақида гапирганда, ҳозирги вақтдагидек шу соҳада маълум бир маълумот системасини тушуниш хатодир. Халқ созанда ва ҳофизларини ҳозирда консерваторияда ўқиб маълумот олган композиторлар билан эмас, балки амалий санъат усталари билан тенглаштириш мумкин. Халқ созандалари ва ҳофизлари халқ музикасини яхши билганликлари, музикани ёдда сақлашдаги ажойиб қобилиятлари туфайли юксак санъатга эришдилар ва ўтмиш музикасининг мақомлар сингари катта-катта намуналарини авлоддан-авлодга тўла-тўқис етказдилар. Бу асарлар музикаси ўзига хос хусусиятларга эга, шу билан бирга, бошқа халқ музикасининг жанрлари билан яқинлиги ҳам сезилиб туради. Бу яқинлик оҳанг сферасида (диатонлигида), мелодикасида, форма тузилишларида, усулларида кўринади.

Мақомлар халқ профессионал музика ижоди сифатида турли халқ ашуулаларининг интонацион элементларини ўз ичига олган, шу билан бирга, маълум миқдорда, айниқса Бухоро областида турли музика асарларига ҳам ўз навбатида тасвир кўрсатган.

Мақомлар Ўзбекистон ва Тожикистонда кенг тарқалган. Бухоро мақомлари цикли ҳақида алоҳида гапирлишининг сабаби шуки, Бухоро бир қанча асрлар давомида сиёсий ва маданий марказ, профессионал музика тараққий этган жойлардан бири ҳисобланар эди. Уста мақомчилардан Ота Жалолиддин Назиров, Ота Ғиёс Абдуғания, Домулла Халим Ибодов, Леви Бобохонов қабилар яқин ўтган йиллар ичида Бухорода яшаб, ўз ижодлари билан шуҳрат қозonganликлари тасодифий эмас, албатта.

✚ Мақомларнинг Бухоро цикли олти асардан иборат¹: «Бузрук», «Рост», «Наро», «Дугоҳ», «Сеғоҳ», «Ироҳ». Бу номлар ўрта аср назариётчилари асосий куйлар сифатида кўрсатган ўн икки мақомнинг олтитаси номига ўхшашдир. Ҳозирги кунда бу ном остида фақат музика асарлари кўзда тутилади, лекин куйлар деб аталган асар бўлакларига бу музика асарлари деярли ўхшамайди. Бу ҳолни мақомнинг бирор бир қисмидаги куйнинг ўзгариб туришининг ўзидан ҳам тушуниш мумкин. Масалан, «Дугоҳ» мақомидаги «Сарахбор» номли қисмининг (Ю. Ражабий ёзиб олган) биринчи хонаси миксолид куйи асосида тузилган, тўртинчи хонасида эса, ноний куйига ўтиш сезилиб туради. Бу ҳолни бошқача тушунириб, куй эмас, балки тон ўзгариши деб ҳам айтиш мумкин. У ҳолда миксолид ре-дан миксолид ля-га ўтиш ҳақида гапириш мумкин бўлади. Аммо куйнинг кейинги ўсиши (мисолда кўрсатилмаган) куйдаги асосий товуш ре-эканлигини, тўртинчи хонада эса бошқа куйга ўтганлигини кўрсатиб туради.

1.1.

Не уя ку-лок-ка е-тар ар-зи
хол а-до қил-сам не уя қил-
гул-та е-чар нақ-ди жон фи-до қил-
сам (о) фи-
гон-ки вш-қ(и) че-чар бог-лаб а-ни

¹ Бухоро «Шашмақоми» термини ҳам ана шундан келиб чиққан.



Демак, ҳозирги вақтда мақомларнинг номи унинг қайси куйга тааллуқли эканини кўрсатмайди. Кўринишича, мақом терминлари музика тузилиши, мазмунидан кўра кўпроқ тарих ва традициялар билан алоқадордир.

Олти мақомнинг ҳаммаси ҳам ўзининг умумий тузилишига кўра юқоридан баён этилган бўлакларга — қисмларга бўлинади.¹

✓ Мақом қисмларининг форма ўзгаришларини тўла баён этишга ўтишдан аввал, бу монументал асарларнинг ашула қисми текстлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтиш лозим.


Текстлар сақланиб қолган рўйхатнинг (улар куй ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайдилар) кўрсатишича ашула тексти сифатида турли шоирларнинг шеърлари қўлланилиб келинган. Булар ичида Рудакий, Румий, Саъдий, Лутфий, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Фузулий ва бошқалар бор. ✦ Мақомлар кўпроқ тожик тилида ижро этилар эди. Агар тожик тилининг асрлар давомида адабий тил сифатида ишлатилиб келинганини ва Навойдан бошлаб ўзбек тили адабиётга кира бошлаганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ҳофизлар традицияга амал қилгани ҳолда тожик тилидан фойдаланиб келганликларини ва ўзбек поэзияси яқиндагина мақомларнинг ашула қисми таркибига кирганлигини эсласак, мақомларнинг тожик тилида ижро этилиши ўз-ўзидан тушунарли бўлади. Булардан ташқари яна бир масалани эслатиб ўтиш ҳам зарурдир. ✧ Текстлар рўйхатини солиштириб кўриш ёки ҳозирги ижрочилик тажрибасининг ўзи ҳам мақомларнинг бир «қолигга тушган» тексти бўлган эмас ва ҳозир ҳам йўқдир деган фикрга олиб келади. Музикага халал бермаган ҳолда сўзларни ўзгартиш, яъни текстларни контаминация қилиш (алмаштириш) тажрибаси мақом ижрочиларида аввалда ҳам бор эди, ҳозир ҳам шундай. Бу ҳодиса ўз таг-томири билан халқ ижрочилиги тажрибасидан келиб чиқади. Текстларни алмаштиришни рус музикасида ҳам учратиш мумкин.

Аммо, бир текстни иккинчисига ўнғайлик билан алмаштирилаверилади деб ўйлаш хато бўлур эди. Шу нарса аниқки, алмаштириш учун танланган шеър мазмуни характеридаги умумийлик энг зарур шартдир. Шу билан бирга аруз вазнига асосланган шеър тузулиши системаси — мисралардаги бўғинлар узун-қисқалигининг бир хиллиги ва шеър формасининг қатъийлиги текстларнинг музикага ўнғайлик билан «тушишига» ёрдам беради. Буларга мисол тарзида ғазал, мухаммас ва бошқа шеър формаларини кўрсатиш мумкин. Қвинтатив метрик системага асосланган аруз вазнининг поэзиямизга кириб келишида ўзбек тили хусусиятлари билан қарама-қаршиликка учраганлиги тасодифий эмас деб тахмин қилиш ҳам мумкин. Ўзбек халқ шеър тузилиши узун ва қисқа бўғинларнинг алмашуви эмас, балки, албатта (бармоқ) системага асосланган. Бу барча шарт-шароитлар текстларни алмаштиришни енгиллаштиради ва бу нарса мақомларни ижро этишда кенг қўлланилади.

✧ Мақом мелодикаси учун характерли нарса секин-аста пастга тушишнинг кўплигидадир. Квартали ва қвинтали сакрашлар кўпроқ, октавали сакраш эса камроқ учрайди. Октавали сакрашни, одатда, икки хил тузилишдагина учратиш мумкин ва бу уни бирмунча пассивлаштиради. Қўтарилувчи кенг интонацияли йўллар секин-аста пастга тушувчи ҳаракатлар билан тўлатилади. Бу музикага бошқа мелодик йўллар учрамайди, деб айтиш эмас, балки кварта-қвинтали ва октавали сакрашлар энг типик оҳанг йўл-

¹ Бухоро ва Хоразм мақомларининг солиштирма таблицаси «Ўзбек халқ музикасининг VI томидаги сўз бошида берилган.

лардир. Улар доим юқорига қараб кўтарилиб борадилар. Тонув бўшлигининг кўп қисмини бирданига эгаллаб олувчи сакраш ўз кетидан кўпроқ гаммали ҳаракатни вужудга келтиради. Шундай қилиб, овоз сакрашлари учун кўтарилиш характерли бўлса, мелодик тузилиш учун эса паст тушиш характерлидир. Бу қонуниятнинг энг яхши намунаси учун «Рост» мақомининг тўртинчи таронаси мисол бўла олади.



➤ Ўзбек халқ ашула санъатининг бошқа жанрларидаги каби мақомларда ҳам юқорида кўрсатилган иккала ҳаракат — овоз сакраши ва секин-аста паст бўладиган ҳаракатлар доим бир-бири билан алоқада ва муносабатда бўлади. Ҳаракатнинг энг характерли формаси юқори кўтарилувчи сакраш бўлиб, унинг кетидан пастга тушиш орқали тўлдириш хусусияти ҳам бўлиши лозим. Қуйнинг бу қонунияти катта ва кичик асар тузилишларига ҳам хосдир. Сакрашнинг ўсувчанлиги секин-аста пастга тушиш ҳаракати билан мувозанатлашади.

Ўзбек халқ ашулаларидаги авж уларнинг характерли хусусиятларидан биридир. Мақомларда авж айниқса катта аҳамиятга эга. Авжлар, одатда, довмий попевка асосида қўрилади. Шу сабабли авж асосига қўрилган мелодик формулалар алоҳида-алоҳида номларга эга. «Турк», «Зебо пари», «Мухайяр» кабилар кенг тарқалган авжлардандир. Қуйнда келтирилган «Бузрук» ва «Дугоҳ» мақомининг Сарахбор авжларидан кўрinishи, иккаласи ҳам бир хил оҳангга асосланган.



Авжга чиқиш бир товушдек бўлиб, ундан кейин эса, унинг секвенцион овоз пасаживи натижасида чўзиқ кульминацион товушлар ҳосил бўлади. Бир хилда чиқувчи тўсиқ товушлар гаммага ўхшаш мелодик асосни вужудга келтиради. Агар авжнинг, одатда бунинг аксича, баланд регистрдан бошланишини эътиборга оладиган бўлсак (аввалги сакраш натижаси), у ҳолда юқоридаги баён этилган характерли мелодик қонуниятнинг ўз аксини топишини кўрамыз. Юқорида келтирилган мисол мутлақо бошқа-бошқа, яъни «Бузрук» ва «Дугоҳ» мақомларидан бўлишига қарамай, иккаласида ҳам бир-бирига ўхшаш тарзда авжнинг бир текис товушда туриши аниқ кўриниб туради.

Авжлар мақомларнинг турли қисмларида бир неча бор пайдо бўлади. Лекин бу авжлар бир-бирдан фарқ қилади. Энг юқори регистрга чиқувчи фақат битта авж бўлиб, уни «катта авж» деб аталади; қолганлари бўлса йўл-йўлакай учровчи авжлар бўлиб, улар энг юқори мелодик ўсишни тайёрлаб беради.

Мақомлардаги мелодиканинг бошдан охирига қалар ўсиб боришини кўрсатиш учун Е. Е. Романовскаянинг машҳур Бухоро халқ ҳофизи Домулла Ҳалим Ибодовдан ёзиб олган «Ироқ талқинчаси» дан бир парчани мисол қилиб келтирамыз. Бу мисол мақом мелодикасида тетракорд ва пентакордлар асосий куй ва ладлар ташкил этувчи пардалар эканлигини кўрсатади. Ашула жуда катта бўлганлиги сабабли унинг бир қисмининг ўрта авж, яъни ўсиб борувчи авж билан (бу авждан кейин асосий авж келиши керак) мисол тарзда келтирамыз.

Canto



Ун иккинчи тактга қадар мелодия бир тетрахорд чегарасида ўсиб боради ҳамда ҳар бир ўн тактда тетрахорднинг пастки негизга яқинлаштирувчи бир ёрдамчи товуш учрайди. Бутун тетрахорд *фа диез* дан *си*, гача бўлган товушни ўз ичига олади. Бундан сўнг янги тетрахорд рамкасида ўсиб борувчи *до диез*₂ дан *фа диез*₂ гача бўлган товушлар келади. Шундай қилиб, биз бу ерда фригий лад билан мос келувчи ладни кўрамыз. Шу билан бирга, бу ўринда лад ҳосил қилувчи асосий интервал кварта ва қисман квинтадир. Кварта ва квинтали товуш тузилиши бир-бирини йўққа чиқармайди, аксинча бирга келади, натижада турли ладлар ҳосил қилади. Танбурнинг бундан кейинги чалиниши билан янги, турғун *ми*₁ товуши ҳосил бўлади. Шунга биноан *ми*₁ *ля*₂ тетрахорди атрофида янгидан ҳосил бўлувчи авж бошланиб кетади, сўнгра мелодик йўл қайтадан энг пастки *фа диез* га тушади. Бу ўринда авж ладли ўсишга мисол бўлади. Натижада янги ҳодиса, яъни гибридлик пайдо бўлади. Авжнинг тетрахорди, аввалгисига ўхшаб, ўртасида ярим тон бўлганлиги учун шундай ҳол рўй беради.

Шу билан бир қаторда авж тетрахорднинг кетма-кет уланишига мисол ҳам бўлади. Ҳақиқатан ҳам биз биринчи тузилишида *фа диез*₁, *соль*₁, *ля*₁, *си*, иккинчи тузилишида эса (12—16 тактлар) бир турли тетрахорд — *до диез*, *ре*, *ми*, *фа диез*₂ ни, авжда эса *ми*₂, *фа диез*₂, *соль*₂, *ля*₂, *ли* тетрахорд бўлиб, унинг ўртасида ярим тон келганини кўрамыз. Учала тетрахорд бир бўлиб, битта лад ташкил этади ва ташқи кўриниши билан бу тетрахорд фригий ладига ўхшаб кетади. Лекин анализдан кўришиб туришича, унинг ички тузилиши фригий ладдан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Авж тетрахорди иккинчи ташкил топган тетрахорд билан битта эмас, иккита умумий товушга — *ми*₂ ва *фа диез*₂ га эга бўлади.

Тетрахорд ва пентахордларнинг юқорида айтилган кварта ва квинтали сакрашлари орқали ҳосил бўлувчи мелодик баённи бир-бирига таққослаб кўрмай илож йўқ, албатта. Маълумки, бу тўла ва тўлиқсиз интерваллар мақом мелодикасида, ўзбек халқ музикасининг бошқа жанридагидек, катта аҳамиятга эгадир. Бу фикр фақат тезисда айтилган гапларнинг, яъни профессионал ва профессионал бўлмаган ўзбек ашулаларининг барча турлари учун бир интонацион умумийлик мавжуд деган фикрнинг исботи учун айтилди.

Мақомларнинг мелодикаси ҳақидаги келтирилган бу умумий характеристика бу ҳақидаги гапларни ҳаммасини батафсил ўз ичига ололмайди, албатта. Халқ ижодининг ҳар бир асари, шахсан мақомлар анализ учун кўпдан-кўп ва турли-туман материал бериши мумкин.

Мақом мелодикасининг энг характерли элементларидан бири унинг ритмикаси. Ритмиканинг икки жиҳатини фарқламоқ лозим: мелодика ритмикаси ва чертиб чалинадиган жўр бўлувчи чолғу асбоблар ритмикаси бор. Қадимги назариячилар музика ритми ҳақидаги билимга жуда катта аҳамият берганлар. Ибн Сино ўзининг «Китоб-аш-шифо» асарининг математика фани бобига кирган музика трактатида шундай деган эди: «Эндки ритм ҳақидаги маълумотни (илмни) баён этишга киришмоқчимиз. Товушлар бир-

лашмаси ва ритмлар санъати маълум бўлган тақдирда оҳангнинг тузилиши тушунарли бўлади». Ибн Синонинг асарларида ва ундан олдин яшаган Ал Фаробий асарида ҳам музика ритмикаси қонуниятлари шеър тузилиш ўлчовлари билан белгиланган. Тўғрироғи, бу олимлар музика ритмикаси поэзия қонун-қондаларини музика соҳасига татбиқ қилишдан иборатдир деб тушунардилар. Агар араб шеър тузилишининг квантитив характерга эга эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳол ўз-ўзидан тушунарли бўлади. Аммо ҳозирги пайтда музикани ўрганишда бундай методга бутунлай амал қилиш мумкин эмас. Юқорида баён этилган трансакцентация ҳодисаси музиканинг ритм соҳаси ўзига мустақиллигини ва мураккаблигини эътиборда тутишга мажбур қилади. Мақом мелодиялари текст ритмикасига ҳамма вақт ҳам бўйсунмавермайди. Шу сабабли мақом музикаси ритмикасининг энг тилпик белгиларини қисқа тарзда бўлса-да, баён этишга тўғри келади.

✕ Мақомларда турли-туман ўлчовлар келиши мумкин: оддий, мураккаб ва аралаш ўлчовлар. Мураккаб ўлчов, ўзига хос аралаш ўлчов ҳисобланувчи $3/8$ талиқдан ташқари, асосан жуда кам учратилади. Бу ўлчовдаги асарни ёзиб олувчи, агар бу ўлчовга ўрганган бўлмаса, жуда кўп қийинчиликларга учрайди. Шунинг учун ҳам Бухоро мақомларининг биричи марта В. А. Успенский томонидан ёзиб олинишида бу мураккаб метр — триоднинг биринчи улуши билан $4/4$ қилиб ноталаштирилган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, бу ўлчовни, бошқа аралаш ўлчовлар сингари, халқ музикачилари нормадан четга чиққан «ланг усул» деб атайдилар.

Мақом мелодикасидаги олдин кетувчи ва кейин келувчи синкопнинг кўплиги ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Улар эса маълум даража ўлчовликни енгиб, мелодиканинг чўзиқлигини белгилайдилар. Қуйидаги ҳолдагидек синкоп кўплигида тузилиш квадратликни йўқотади ва бу ҳол ўзбек халқ музикасининг бу жанри учун жуда характерлидир. Бу келтирилган мисол мақомлардаги синкопларнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Сабо, эн ман — энди жо —
 нон гузар ав рег мадор
 (а) шикки чискин хабар дор
 рег мадор (о)

Бошқа ўлчов қонун-қондаларини доира жўрлигида кўрсатиш керак бўлади. Мақомларнинг ҳар бир қисми ўзига хос усул билан доирада жўр қилинади. Бу усул бир хил номдаги ҳамма қисмлар учун умумий бўлади. Масалан, ҳар бир мақомнинг таснифи бир хил усулда ижро этилади. Мақомларнинг ҳамма қисмларига хос усул вариантларини кўрсатувчи таблицани келтираемиз:

¹ Бу цитата д'Эрланженинг «Араб музикаси» номли китобидан олинди, II том, 167 бет. (d'Erlander. La musique arabe, ses règles et sa histoire, V, II, p. 167.)

МУШКИЛОТ

(Чогу кismi).

	Бухоро варианти	Тожиқча варианти	Ҳораам варианти	Ю. Ражибӣ санб олчи варианти
Тасниф				
Тарзи				
Тарлуи			— ашк —	
Пешрав	ашк	ашк		ашк
Мухаммас				
Сақия				
Хафиф	ашк	ашк		ашк
Шахтазарф	ашк	ашк		ашк
Самон	ашк	ашк		ашк
Уфур	ашк	ашк		ашк

НАСР (Ашул кismi)				
	Бухоро варианти	Тожикича вариант	Хоразм варианти	Ю.Ражабий Бешб олган вариант
Сарадбор				
Тарона				
Сузора	Аук	Аук		Аук
Чоргоқ	Аук	Аук		Аук
Накши	Аук	Аук		Аук
Тайқин				
Насрулло				
Самом	Аук	Аук		Аук
Суворинш				
Уфур				

Шундай қилиб, усулларнинг ўлчов тузилишидаги қатъийлик ажойиб ритмик таъ-
вирли мелодиянинг эркин баён фонидангина иборатдир. Мелодик йўлларнинг ритмик
эркинлиги аниқ тасвирланиш ва усулларнинг қайтарилишлари билан тўхтатилмайди.
Бу ҳол умумий структурани ёрқинлаштиради ва ашулачига ҳар қандай мураккаб «юби-
ляция» ларни ҳам музика ўлчовини ёдидан кўтарилишидан чўчимаган ҳолда ижро эти-
шига ёрдам беради.

Мақомнинг айрим қисмларидаги музика формалари масаласини ёритишга ўтиш би-
лан бирга, энг аввал улардаги квадрат бўлмаган тузилишларни квадратли тузилишлар-
дан ошиб кетганини айтиш лозим. Мақомларда кўпинча олти тактли ва уч тактли тузи-
лишлар ва уларнинг комбинациялари учрайди. Масалан, «Бузрук» мақомининг «Гар-
дув» қисмида учта уч тактли тузилишни, ундан сўнг аниқ тарзда уч тактли фразаларга
бўлиниб келган тўққиз такт келади.



Бунга ўқшаш мисолларни мақомларда кўп учратиш мумкин. Мақомлар-
даги, асимметрик тузилишларнинг тез-тез учраб туриши мелодия ритмикасида-
ги синкопировка билан боғлиқдир, деб тахмин қилиш мумкин. Синкоп ус-
улнинг кўп ҳолларида каданс устун туриб, қўшимча ривожни талаб қилади. Юқорида-
ги гаплардан мақомларда квадрат тузилишлар учрамайди деган мазмун чиқмайди, ал-
батта. «Бузрук» мақомининг «Султон сақили» қисмининг ҳаммаси саккиз тактли тузи-
лишдан иборатдир. Бу ўринда мақомларда квадрат бўлмаган музика тузилишлари кўп-
лиги кўрсатилгани билан, бундан мақсад унинг аҳамиятини кўрсатиш ва жанрга хос
бўлган ҳодисага эътиборни жалб этишдан иборатдир.

Айрим қисм структураларида қайтарилишнинг ўзига хос принциплари мавжудлигини
сезиш мумкин. Бу эса роқдал бутунликда тузилишга сабабчи бўлади. Айниқса мақом-
ларнинг ашула қисмида бу ҳолни кўпроқ учратамиз. Агар «Наво» мақомининг «Баёт
талқини» қисмини кўриб чиқадиغان бўлсак¹, ҳар бир хона орасида чолғу йўли борлиги-
ни ва бунда ҳам интонацион бирлик сақланишини кўрамиз. Бу қайтариқ йўлининг вари-
антларга эгаллиги асосан унинг товуш баландлигида кўринади. У эса куйнинг бош ре-

¹ «Шашмақом», III том, «Мақом наво», Музгиз, М., 1957, 51 бет.

гистрдан (даромад) авжгача бўлган кўтарилишига ва сўнг пастга тушишига боғлиқ бўлади. Материалнинг жойлашишини куйидагича кўрсатиш мумкин.

A — A₁ — A қисқа — B — A қисқа — C — A қисқа — D — A₂
 E — A қисқа — F — A₂ — C — A қисқа — H — A₄ — J — A қисқа
 K — A қисқа — L (авж) — A қисқа — M — A қисқа — B.

Схемадан кўринишича бу ерда доимий тарзда пайдо бўлиб турувчи материал бор ва унинг пайдо бўлиб туришидаги даврийлик конструкциянинг рондаллигидан дарак бериб туради. Бу нақарот ҳам тўла, ҳамда қисқарган ҳолда келиши мумкин. Шу билан бирга, ундаги кварта ва квинтали баланд товушлар алмашиши юқоридаги мақом учун характерли бўлган ладли асос контурини ҳосил қилиб беради. Бу каби қайтарилувчи бозғўй хона билан алмашилиб туради, натижада ҳозиргина юқорида кўрсатиб ўтилган форма ҳосил бўлади.

Мақомларнинг чолғу қисмларида бу каби ҳодисани ҳам учратиш мумкин. Бозғўй хона ўртасидаги тематик муносабат турличадир, кўпинча улар бир-бири билан алоқадор бўлади. Шу билан бирга интонация умумийлиги уларнинг ҳар биридаги бошланғич ҳамда охириги тактларида келиши мумкин. Масалан, «Рост» мақомининг «Вазми сақили» куйидаги биринчи хона ва бозғўй бир хилдаги бошланғич тактларга эгадир. Дугоҳ мақомининг «Гардун» куйида бошланғич тактларнинг турлича бўлишига қарамай, тамомловчи тактларнинг ўхшашлигини кўраимиз.

The image displays musical notation for two pieces. The first piece, labeled '1. Рост', consists of two staves. The second piece, labeled '2. Вазми сақили', consists of four staves. The notation includes treble clefs, a 2/4 time signature, and various rhythmic values such as eighth and sixteenth notes. The music is written in a single melodic line.

Мақомларнинг айрим қисмларидаги рондаллик ҳақида гапирар эканмиз, шуни эздан чиқармаслик керакки, таққосланувчи рефрен ва хоналар ҳеч вақт бир-бирига қара-

ма-қарши бўлмайди. Нақаротларнинг итновацион бирлиги (бозғўй) ва эркин тарзда ривожланувчи хона қайтариқнинг вариантли алмаштирилишида ҳамма қисмлар учун умумий бўлган ўсиб борувчи бир йўлни ҳосил қилади. Бунда ҳеч қандай қарши турувчи элемент бўлмайди ҳам. Рондаллик ҳолатининг пайдо бўлиши конструктив характерга эга бўлади. Фақат бўш бўлган кезлари мелодик ўсиш процесси динамикалашади. Бунда умуман халқ музикаси учун характерли бўлган текис ўзгариш ҳолати умумий тус олади.

Қайтарилиб туриш принципи кўпроқ уч формага эга бўлади. Бунинг элементларини баъзи тароналарда, яъни мақомларнинг асосий материали билан тематик алоқадор бўлган қўшимча қисмларда кўриш мумкин. Тарона одатда катта ҳажмдан иборат бўлмайди, у кўпроқ халқ ашулаларига яқин туради. Шунинг учун ҳам оддий халқ музикаси учун характерли бўлган икки бўлимли ва уч бўлимли формалар учраб туради.

Юқорида айтганларимизга бивозан биз мақомларда халқ музикасининг барча жанрларида учрайдиган форма тузилиш принципларини кўрамиз. Аммо, мақомларнинг айрим қисмларининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетганлиги сабабли бу принципларнинг амалга ошиши қийинлашади. Мақомларнинг бу хусусияти эса ўзбек халқ музика ижодида яратилган катта асарларнинг ўзига хослигини кўрсатиб туради.

Мақомларни ўрганишга энди киришилмоқда. Кейинги йилларда бу соҳада чуқур ва асосли илмий иш бошлашга арзийдиган материаллар тўпланди ва нашр қилинди. Ушбу тақдим этилаётган «Ўзбек халқ музикаси»нинг V томига кирган Бухоро мақомлари (Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ёзиб олган ва тўплаган) ва аввалроқ нашр этилган «Хоразм мақомлари» ҳамда Тожикистон ССР Маданият министрилиги Санъат бошқармаси томонидан нашр этилган «Шашмақом» бу ўзига хос ва бой жанрнинг илмий ёритилиши учун асос бўла олади. Яқин келажакда тарихчиларимиз, шарқшуносларимиз ва музикашуносларимиз бир бўлиб, ўзбек халқ музика маданиятининг кўп асрли тарихий ёдгорлиги бўлган мақомларнинг пайдо бўлишини ва тарихий тараққиётини асосли тарзда ёритиб берадилар, деб ишонамиз.

И. Акбаров, Ю. Кон.



Узбекская народная музыка, являясь одноголосной, в течение многих столетий своего развития достигла большого разнообразия форм. В мелодике, общей структуре и ритмике образцов узбекских напевов и наигрышей есть особенности, свидетельствующие о едином национальном характере музыкальной культуры; в то же время самостоятельность сложившихся жанров народного творчества привела к возникновению специфических композиционных черт некоторых из них, в частности тех жанров, которые являются результатом развития профессиональной музыкальной практики.

Примечательным явлением узбекской музыки нужно считать макамы — крупные музыкальные произведения, существующие на территории нынешнего Узбекистана (а также Таджикистана), по-видимому, много веков. Происхождение самого термина «маком» с лингвистической точки зрения остается неясным. Эта сторона вопроса и не входит в задачи данной статьи. Необходимо лишь сказать, что слово «маком» применяется в двояком значении. Среднеазиатские теоретики музыки, начиная с Ал-Фараби и Ибн Сины, под этим словом подразумевали преимущественно определенную ладовую систему. В настоящее время этот термин обозначает музыкальное произведение изустной традиции, дошедшее до нас из глубины веков и бытующее в наши дни¹.

Характерной чертой макомов, отличающей их от других жанров народной музыки, является их масштабность и многочастность построения. Каждый из макомов делится на два отдела — инструментальный и вокально-инструментальный. Первый из них, называемый в Бухаре «мушкилот», исполняется ансамблем инструментов, содержащим, как основу, танбур и дойру² и допускающим значительное варьирование состава. Второй раздел — «наср» — исполняется певцами с сопровождением инструментального ансамбля в унисон. «Наср», как правило, состоит из двух групп напевов. Каждую группу в Таджикистане называют «шубе» («ветвь»), в Узбекистане — «булим» («отдел»). В первую группу входят мелодии, образующие основной музыкальный материал «насра», во вторую группу — народные песни крупной формы, близкие по своему строению к отдельным частям макомов. Каждый маком заканчивается танцем (уфар).

«Мушкилот» и «наср» в свою очередь подразделяются на ряд достаточно протяженных частей, каждая из которых носит особое наименование. Таким образом, величина каждого макома достигает размеров, требующих для исполнения нескольких часов.

Оставаясь в течение столетий музыкой устной традиции, макамы не могли не претерпеть известных изменений. Сейчас трудно судить об их значимости и характере. Отсутствие нотной записи у народов Средней Азии еще в недалеком прошлом не позво-

¹ Общая характеристика макомов как ладов дана во введении к VI тому собрания «Узбекская народная музыка». Подробные сведения о них впервые в советском музыкознании приводятся в различных трудах проф. В. М. Беляева.

² Сведения о музыкальных инструментах Узбекистана читатель может найти в III томе «Узбекской народной музыки».

ляет сравнить «редакции» произведений народного творчества, относящиеся к разным историческим периодам. Сравнивая записи недавних лет и даже записи, произведенные в настоящее время от разных исполнителей, можно прийти к убеждению, что известное развитие музыкального текста возникает на основе моментов импровизиционности, присущих всякому исполнению, а тем более исполнению музыки устной традиции. Вместе с тем, следует обратить внимание на необычайную прочность этой традиции, выражающуюся в том, что при всех возможных вариантах основа мелодической линии остается неизменной. В этом свете надо обратить внимание на то, что к узбекским макамам неприменимо мнение некоторых иностранных авторов, пишущих о восточной музыке, которые в аналогичных произведениях арабов видят лишь систему ладовых попевок, допускающих свободную импровизацию. Бухарские макамы, так же как и хорезмские, ни в коей мере нельзя рассматривать как плоды импровизации. Наоборот, нерушимость основ их мелодики, ритмики и формы свидетельствует о том, что они являются продуктом тщательного отбора, длительной кристаллизации интонаций. Чтобы показать постоянство мелодики при любых отклонениях, в любых вариантах, приводим фрагмент макама «Бузрук» в записи Ю. Раджаби и В. Успенского.

Запись Ю. Раджаби

М.М. J = 76

Запись В. Успенского.

I. Ховаз Бозрук

II. Ховаз Бозрук

III. Ховаз Бозрук

Бозрук

На первый взгляд может показаться, что эти два варианта значительно отличаются друг от друга. Более внимательное рассмотрение убеждает в том, что вторая половина фрагмента записи Ю. Раджаби обнаруживает исключительную близость к отрывку записи В. Успенского. Первая же половина строится на одинаковой трихордной попевке, что позволяет и ее сблизить с мелодией другого варианта. Таким образом, основа остается

постоянной, а проявление импровизационности можно отметить только в деталях. Это обстоятельство уже само по себе является свидетельством завершенности музыки макомов. Законченность, отточенность всех элементов формы этих произведений делает их замечательными памятниками народного музыкального творчества.

Как уже отмечалось, макомы сложились в результате многовекового интонационного отбора. В народной музыке они занимают особое положение, являясь жанром, возникшим в специфических условиях. Сложность и стройность музыки макомов связана с фактом их бытования в музыкально-профессиональной среде. Здесь нужно сказать, что, говоря о народном профессионализме, не следует иметь в виду систему специального образования, как это имеет место в современной практике. Народных музыкантов-профессионалов следует сравнивать с мастерами народного прикладного искусства, а не с композиторами, получившими образование в консерватории. Широкое знакомство с народной музыкой, замечательная музыкальная память позволили этим профессиональным народным музыкантам совершенствовать свое искусство и из поколения в поколение вносить свой вклад в кристаллизацию столь грандиозных памятников музыки прошлого, какими являются макомы. При всей специфичности музыки этих произведений нельзя не заметить их глубокой органической связи с другими жанрами народной музыки. Эта связь проявляется в ладовой сфере (диатоничность), в мелодике, в основных принципах формообразования, в ритмике.

Макомы, как продукт народно-профессионального музицирования, не только впитали интонационный элемент различных видов народной песни, но в известной мере, особенно в Бухарской области, оказали воздействие на непрофессиональную музыку.


Макомы пользуются большой популярностью в Узбекистане и в Таджикистане. И если принято говорить о бухарском цикле макомов, то очевидно, потому, что Бухара, являясь в течение нескольких веков важным центром политической и культурной жизни, была местом, где профессиональные формы музицирования процветали и культивировались. Не случайно еще в недавнем прошлом именно в Бухаре проживали такие знаменитые исполнители макомов, как Ата Джалалиддин Назиров, Ата Гияз Абдугани, Домулла Халим Ибадов, Леви Бабаханов и другие.

Бухарский цикл макомов состоит из шести произведений, носящих названия: «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугох», «Сегох», «Ирок»¹. Эти названия совпадают с шестью из двенадцати макомов, которые средневековые теоретики указывали как основные лады. В настоящее время под этими названиями имеются в виду лишь музыкальные произведения, причем далеко не все их части совпадают с известными под идентичными названиями ладами. Это явствует хотя бы из того, что внутри одной какой-нибудь части макома может наблюдаться изменение лада. Так, например, в части макома «Дугох», имеющей «Сарахбор» (запись Ю. Раджаби), первый куплет (хона) строится в миксолидийском ладу, в четвертом же куплете (хона) наблюдается переход к ионийскому ладу. Объясняя это явление по-другому, можно бы отметить тональную, но не ладовую модуляцию. В этом случае можно бы говорить о переходе из миксолидийского *ре* в миксолидийский *ля*. Однако последующее (не указанное в примере) развитие мелодии заставляет думать, что основным устоем является звук *ре*, а в четвертом куплете (хона) имеет место переход в иной лад.

1.1.

Не уа қу-лок-қа е-тар ар-зи
хол а-до қил-сам не ул қил-
гул-га е-қар нақ-ди жон фи-до қил-

¹ Отсюда термин «шашмаком», что по-таджикски значит «шесть макомов».



Как видно, в настоящее время название макама не дает исчерпывающего указания на то, что он относится к тому или иному ладу. Терминологическая связь носит, по-видимому, скорее исторический, традиционный характер, чем служит выражением музыкально-конструктивных элементов.

Каждый из шести макамов в общем своем построении полностью соответствует описанному выше делению на части¹.

Прежде чем приступить к более детальному описанию формообразования отдельных частей макамов, следует вкратце осветить вопрос о текстах вокальных разделов этих монументальных произведений.

Сохранившиеся списки текстов (не содержащие, впрочем, никаких сведений о музыке) показывают, что материалом для пения в прошлом служили стихи различных поэтов, среди которых встречаются Рудаки, Руми, Саади, Омар Хайям, Хафиз, Навои, Джами, Фузули и многие другие. В подавляющем большинстве случаев макамы исполнялись на таджикском языке. Если учесть, что этот язык веками считался литературным языком и что только начиная с Навои в изящной словесности стал завоевывать права узбекский язык, легко понять, что профессиональные исполнители, в силу сложившейся традиции, обращались к таджикским текстам и лишь сравнительно недавно узбекская поэзия стала составным элементом пения макамов. Важно отметить также другое обстоятельство. Сравнение списков текстов и современная исполнительская практика показывают, что не было и нет единого «канонического» текста макамов. Свободная замена слов при сохранении музыки, то есть контаминация текстов, в практике исполнителей макамов была в прошлом и остается сейчас нормой. Это явление уходит своими корнями в практику народного музицирования. Контаминацию можно наблюдать и в русской музыке.

Было бы, однако, ошибочным предполагать, что замена одного текста другим совершалась произвольно. Естественно, что общность характера содержания выбираемых стихотворений всегда была непременным условием контаминации. В то же время нельзя не обратить внимания на то, что система стихосложения аруз, связанная со строго определенными по количеству слогов строками и со строгой стихотворной формой, в большой мере облегчает пронеся «приспособления» текста к музыке. Это относится в равной мере к форме газали (двустихий), мухаммаса (пятистихий) и к другим формам стихосложения. Мало того, в практике исполнения макамов, как, впрочем, и других жанров народной узбекской музыки, очень широко наблюдается трансакцентация, то есть перенесение ударения на слог, не ударяемый в прозаической речи. Аналогичное явление можно наблюдать и в русской музыке, однако менее часто. В практике исполнения макамов трансакцентация проявляется постоянно. Можно предположить, что это связано с тем, что перенесение в прошлом стихосложения аруз, являющегося квантитативной

¹ Сравнительная таблица всех частей бухарских и хорезмских макамов приводятся во введении к VI тому «Узбекской народной музыки».

метрической системой, вступило в известное противоречие с духом узбекского языка не случайно. Народное узбекское стихосложение (бармак) базируется на силлабической системе, а не на чередовании долгих и кратких слогов. Очевидно, все эти обстоятельства облегчают контаминацию текстов, которая нашла очень широкое применение в практике исполнения макамов.

Для мелодики макамов характерным является преобладание нисходящего поступенного движения. Скачки встречаются чаще всего квартовые и квинтовые, реже — октавные. Последние, как правило, можно наблюдать на грани двух построений, что делает их мало активными. Восходящие широкие интонационные ходы заполняются поступенным нисходящим движением. Это, конечно, не означает, что в узбекской музыке не встречаются иные мелодические ходы. Кварто-квинтовые и октавные скачки являются лишь наиболее типичными интонационными ходами. Они имеют почти всегда восходящее направление. Скачок, внезапно овладевающий значительным «звучковым пространством», неминуемо влечет за собой обратное, преимущественно гаммообразное, движение. Таким образом, если для скачков характерно восхождение, то для поступенных мелодических образований характерно нисхождение. Весьма типичным образцом проявления этих закономерностей может служить четвертая тарона из макама «Рост».

1.1

Пе — ши ки ра — вь, наз — ди ки ра —
пam, ва бас — ки дявм су — ан ту
бо — шад (сая)

В макамах, как и в других жанрах узбекского народного песнетворчества, оба указанные вида движения — скачкообразное и поступенное — находятся в постоянной связи и взаимодействии. Наиболее характерной формой движения можно считать восходящий скачок с последующим нисходящим заполнением. Эта закономерность мелодики сказывается как в малых, так и в больших построениях. Динамичность скачка уравновешивается мерным поступенным нисходящим движением.

Одной из характерных особенностей мелодики узбекской народной песни является наличие ауджа (кульминационной сферы). В макамах, с их большой протяженностью формы, эти построения сами по себе весьма значительны. Аудж строится обычно на основе постоянных попевок. Поэтому мелодические формулы, лежащие в основе ауджей, имеют определенные названия. Широко распространенными являются: аудж «тюрк», аудж «зебо пари», аудж «мухаяр» и другие. В приводимом ниже примере двух ауджей из части «Сарахбор» макама «Бузрук» и макама «Дугох» видно, что в основе их лежит одна и та же мелодическая попевка.

vii.


Лут —
Фий хи — ри — да кол — мади
шех — ринг — га муш — те — ри.
е ро

Эта попевка возникает как опевание одного звука, и затем секвенционное нисходящее ее продвижение образует значительное по протяженности кульминационное построение. Ритмически опорные звуки составляют нисходящий гаммообразный мелодический остов. Если учесть, что в противоположность иным построениям аудж как правило начинается в высоком регистре (результат предшествующего скачка), то следует признать в нем проявление описанной выше характерной мелодической закономерности. В приведенном примере ясно выражено постоянство мелодических попевок ауджа, который является почти идентичным в двух совершенно различных макомах «Бузрук» и «Дугох».

Зачастую ауджи появляются несколько раз в отдельной части макома. Однако значение их неравноценно. Подлинной кульминацией, развертывающейся в самом высоком регистре, является лишь один аудж, называемый «большим» («катта аудж»), остальные имеют местное значение и в то же время подготавливают появление высшей точки мелодического развития.

Чтобы дать представление о развитии мелодики в макомах, приводим фрагмент «Ирок талкинчаси», записанный Е. Е. Романовской от знаменитого бухарского народного певца Домуллы Халима Ибадова. Этот пример является показательным для мелодики макомов в том отношении, что в нем наглядно выступает роль тетра хорда и пентакорда как основных мелодико- и ладообразующих ячеек. Ввиду очень большой протяженности этой песни, приводим только часть ее, включая урта-аудж (средний аудж), то есть местную кульминацию, за которой в дальнейшем следует главная

Canto



Вплоть до двенадцатого такта мелодия развивается в пределах одного тетра хорда, причем только один раз в десяти тактах встречается вспомогательный звук, прилегающий к нижнему устою тетра хорда. Весь тетра хорд охватывает звуки от *фа диез₁* до *си₁*. Далее следует построение, развивающееся в рамках нового тетра хорда от *до диез₂* до *фа диез₂*. Таким образом, мы видим здесь лад, совпадающий с фригийским, причем основными ладообразующими интервалами являются здесь кварта и в меньшей степени квинта. Таким образом видим, что квартовый и квинтовый принципы построения не исключают друг друга, а наоборот — выступают совместно, что ведет к ладообразованию различных ладов. В дальнейшем танбурный отыгрыш приводит к появлению нового устойчивого звука, временного, а именно к *ми₁*. Соответственно этому, с него и начинается аудж, который развертывается вновь в пределах тетра хорда *ми₁, ля₂*, после чего мелодическая линия вновь опускается к конечному устою *фа диез*. Таким образом, в данном случае аудж служит примером ладового развития, обнаруживающего новые явления, а именно гибридность, поскольку тетра хорд ауджа имеет полутон в середине, а не внизу, как предыдущие тетра хорды.

В то же время аудж дает пример цепного соединения тетра хорда. В самом деле, в первом построении мы видели тетра хорд *фа диез₁, соль₁, ля₁, си₁*; во втором (такты 12—16) однородный тетра хорд *до диез₂, ре₂, ми₂, фа диез₂*, а в аудже тетра хорд *ми₂, фа диез₂, соль₂, ля₂*, то есть тетра хорд с полутоном в середине. Все три тетра хорда образуют единое целое, а именно ладовое образование, внешне совпадающее с фригийским ладом. Однако внутренняя структура лада, как видно из анализа, во многом отличается от фригийского. Тетра хорд ауджа имеет с тетра хордом второго построения не один, а два общих звука — *ми₂* и *фа диез₂*.

Нельзя не сопоставить значение тетра хорда и пента хорда в мелодическом развертывании с отмеченными уже квартовыми и квинтовыми скачками. Очевидно эти интервалы, как в заполненном, так и в незаполненном виде, играют важную роль в мелодике макомов, как и других жанров узбекской народной музыки. Это может служить частным подтверждением тезиса, утверждающего интонационную общность всех разновидностей узбекской песни, как профессиональной, так и непрофессиональной.

Приведенная общая характеристика мелодики макомов не может, конечно, быть исчерпывающей. Каждое произведение народного творчества, в частности макомы, дает бесконечно разнообразный материал для анализа.

Чрезвычайно своеобразным элементом мелодики макомов является их ритмика. Необходимо различать две ее стороны, а именно: ритмику самой мелодики и ритмику сопровождающих ударных инструментов. Древние тесретики придавали исключительно большое значение учению о музыкальном ритме. Ибн Сина писал в своем музыкальном

трактате, помещенном в разделе математических наук его книги «Испеление»: «Теперь мы собираемся преподнести учение о ритме. Когда будет известно искусство сочетания звуков и построения ритма, станет легко понятной композиция мелодий»¹. В труде Ибн Сины, как и его предшественника Ал-Фараби, ритмические закономерности музыки определяются метрикой стихосложения. Точнее говоря, музыкальная ритмика в понимании этих замечательных ученых есть не что иное, как перенесенная в область музыки законы поэзии. Это становится понятным, если учесть квантитативный характер арабского стихосложения. Нельзя, однако, в настоящее время целиком следовать такому методу изучения музыки. Отмеченное уже выше явление трансакцентации вынуждает признать самостоятельность, автономность музыки в области ритма. Мелодии макомов отнюдь не всегда подчиняются ритмике текста. Поэтому следует кратко описать наиболее типичные черты ритмики музыки макомов, независимо от поэтических текстов.

В макамах встречаются самые разнообразные размеры — как простые, так и сложные и смешанные. Последние можно наблюдать, пожалуй, реже, за исключением очень своеобразного размера $3/8 + 3/4$. Запись этого размера для непривычного слуха представляет немалую трудность. Не случайно в первых записях бухарских макомов, произведенных В. А. Успенским, этот сложный метр нотирован как $4/4$ с триолью на первой доле. Любопытно отметить, что этот размер, как и другие смешанные размеры, народные музыканты воспринимают как отклоняющиеся от нормы и называют их «хромыми» («усуль ланг»).

























Обращает на себя внимание обилие в мелодике макомов синкоп, как упреждающих, так и запаздывающих. Они в значительной мере определяют протяженность мелодики, преодолевая метрическую размеренность. Как будет показано ниже, с обилием синкоп связана неквадратность построения, столь характерная для этого жанра узбекской народной музыки. Приводимый пример дает представление о значении синкопы в макамах.

Иные метрические закономерности следует отметить в сопровождении, исполняемом на ударном инструменте — дойре. Каждая из частей макомов сопровождается своей собственной ей ритмической фигурой, исполняемой на дойре. Эта фигура (усуль) является постоянной для всех частей, носящих одинаковые названия. Так, например, «Тасниф» каждого макама исполняется в сопровождении одного и того же усуля. Приводим таблицу различных вариантов усулей всех частей макомов.

¹ Цит. по французскому переводу, содержащемуся в книге Д. Эрланже «Арабская музыка», т. II, стр. 167. (d' Erlanger, «La musique arabe, ses règles et leur histoire». - V. II, p. 167).

МУШКИЛОТ

(Инструментальная часть)

	Бухарский вариант	Таджикский вариант	Хорезмский вариант	Запись Ю. Раджаби
Тасниф				
Таражи				
Гараун			нет	
Пешров	нет	нет		нет
Мухаммас				
Сакна				
Хафиф	нет	нет		нет
Пахта зарб	нет	нет		нет
Самон	нет	нет		нет
Уфар	нет	нет		нет

НАСР

(Вокальная часть)

	Бухарский вариант	Таджикский вариант	Хорезмский вариант	Ю. Рахматов
Сарвабор				
Тарона				
Сусора	нет	нет		нет
Чорлох	нет	нет		нет
Накшв	нет	нет		нет
Талкив				
Насрулло				
Сақон	нет	нет		нет
Супорез			нет	
Уфар				

Таким образом, строго метрическое построение усулей представляет собой лишь фон, на котором свободно развивается мелодия с ее прихотливым ритмическим рисунком. Свобода ритмики мелодической линии несколько не сдерживается ясной очерченностью и повторами усуля. Последний обуславливает лишь ясность общей структуры и тем самым создает твердую опору для певца, позволяя ему исполнять самые сложные юбилации без опасения утери чувства музыкального размера.

Переходя к освещению некоторых вопросов музыкальной формы отдельных частей макамов, следует прежде всего отметить преобладание в них неквадратных построений над квадратными. Очень часто в макамах встречаются шеститактные построения, а также трехтактные и их комбинации. Так, например, в части «Гардув» из макама «Бузрук» можно отметить три трехтактных построения, за которыми следует девятитакт, явно разделяющийся на три трехтактные фразы.



Аналогичные примеры можно отметить во многих случаях. Следует предположить, что сравнительно частые появления в макамах асимметричных построений связаны с синкопированной ритмикой мелодики. Во многих случаях синкопа преодолевает каданс, вызывает необходимость дополнительного развития. Сказанное не означает, что квадратное построение не встречается в макамах. Часть макама «Бузрук», называемая «Султон сакли», целиком строится из восьмитактных образований. Если здесь и отмечается обилие неквадратных музыкальных построений в макамах, то лишь для того, чтобы подчеркнуть значение и обратить внимание на это явление как на одно из свойств данного жанра.

В структуре отдельных частей можно наблюдать яркое проявление принципов повторности, что зачастую приводит к выявлению рондальности построения целого. Особенно это заметно в частях, составляющих наспр, то есть вокальный раздел макамов. Если рассмотреть, например, часть «Талкин баёт» из макама «Наво»¹, то окажется, что между отдельными куплетами появляется постоянный инструментальный наигрыш, сохраняющий интонационное единство. Вариантность повторения этого наигрыша сказывается, главным образом, в его звуко-высотных изменениях, зависящих от подъема мелодии из начального регистра (даромад) к ауджу и последующего ее спада. Расположение материала можно выразить следующей схемой:

¹ См. «Шашмаком», т. 3, маком «Наво». Музгиз, М., 1957, стр. 51.

A.— A₁ — A сокр. — B — A сокр. — C — A сокр. — D — A₂ — E — A сокр. F — A₃ — G — A сокр. — H — A₄ — I — A сокр. — K — A сокр. — L (аудж) — A сокр. — M — A сокр. — B.

Как видно из схемы, здесь имеется постоянно появляющийся материал и периодичность его появления, свидетельствует о рондальности конструкции. Этот припев выступает как в полном, так и в сокращенном виде, причем звуковысотное его перемещение на кварту и квинту вверх очерчивает характерные для макамов контуры ладового остова. Такого рода повторяющийся элемент, называемый бозгуй, чередуется с куплетами (хона), что и приводит к образованию только что описанной формы.

